

# Оила ва јатијат

## Ўзбекистон

ВА  
Оила ва јатијат

32

сон

8 – 14 август  
2001 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни – 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

### ЁПЛАРИМИЗ – БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ



**Юртимиз мустақиллиги йил-  
парида асосий эътибор ёш-  
ларга, уларнинг келгусидаги  
билимли инсонлар бўлиб ети-  
шишларига қаратилди. 1997  
йилда Республика Хотин-қиз-  
лар қўмитаси, «Соғлом авлод  
учун» Халқаро хайрия жам-  
ғармаси ташаббуси билан иш бош-  
лаган Тошкент ихтиослаштирилган  
хотин-қизлар коллежи ҳам шундай  
эзгу мақсадларни кўзлайди. Колеж-  
нинг бугунги кундаги ҳаёти  
билан яқиндан танишиш мақ-  
садида унинг раҳбари Муал-  
ламхон ЗУФАРОВА билан сух-  
батлашдик.**

**- Муалламхон Мирумаровна,**  
республикамида ягона  
бўлган бу қизлар коллежи  
қандай мутахассисликлар  
бўйича кадрлар тайёрлади?

**-** Бизнинг коллежимизда ўйидиган қизлар энг замонавий мутахассисликлар бўйича кадрлар бўлиб етишадилар. Хотин-қизлар учун жуда зарур бўлган ҳуқук ва ижтимоий таъминот ташкилотчиси, техник дастурчи, иктисадчи касблари ўргатилиди. Ҳозирги кунда бу ерда 400 га яқин қизлар ўз танлаган касблари бўйича билим олишимоқда.

**- Коллежда фокат қизлар билим олишар экан. Бунда ўзи-  
га хос муаммолар пайдо бўлмаятпими?**

**-** Талabalaramizning барчаси мактабдан кейин коллежга келишган ўсмир қизлардир. Булар хали ёш, қаёқка ёгса шу томонга навдадек эглиши мумкин бўлган қизларда. Асосий вазифаси ўқиш бўлса-да, биз уларни ҳар томонларни зўзко, дунё-қарашлари бой бўлган инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиласиз. Талabalaramiz бичиштиши, ўй-рўзбор тутиш, пазандалик, тиббий ёрдам берни каби турмушга керак бўладиган ишларни ҳам тўлиқ ўрганишида. Бозор иктисадиёт шароитида уларга иктисадий билим ҳар

қадамда керак бўлади.

**- Ҳозирги вақтда учрайдиган оиласий муаммолар аёлла-  
рамизнинг ўз ҳуқуқларини билмасликларидан келиб чи-  
қаяпти-да. Келажакда бир оиласиңнек бекаси бўладиган талabalaringiz бу ҳақда ҳам тушунча оладиларми?**

**-** Ҳозирги давр аёли ҳар томонлама билимдон, замонавий бўлиши зарур. Буғунги нафни ўсмир қизларимиз келажакда бир оиласиңнек келинчаги бўладилар. Уларнинг зиммасида эса она бўлиши ва фарзандлар тарбиялаш масъулияти ҳам бор. Ўз ҳуқуқини ҳар томонлама билган уddyaburon аёлнинг оиласи эса мустаҳкам бўлиши табиий. Коллежда эса ҳуқук ва ижтимоий таъминот ташкилотчиси гурухи бор. Бошқа мутахассисликлар бўйича таълим олаётган талabalarga бу фан ҳам чукур ўргатилади.

**- Сиз яқинда хо-  
рижда бўлиб қай-  
тибисиз...**

**- Яқинда Германиянинг Магдебург шаҳрида бўлиб қай-**

тидим. У ердагилар коллежимиз билан қизиқиб қолишиб. Чунки Германиянда ҳали қизлар ўйидиган коллежлар йўқ экан. Бизнинг коллежимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Германиянлик ҳамкасларимиз сентябр ойida коллежимизга келишмоқчи. Япониянда эса қизлар коллежи кўп экан. Келгусидаги ниятимиз эса хориждаги ўкув юртларидан ўзимизга маъкул томонларини ўрганиш уши ўз таълим берни жараёнларимизда кўллашдир.

Мақсадимиз – қизларимиз билимда ҳам, кийинида ҳам энг ривожланган мамлакатларнинг қизларидан қолишислиги керак. Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Нодира Оқтамова талabalар билан тарбияий-маърифи ишларни яхши йўлга кўйган. Қизлар клубида “Барчинойлар”, “Соғлом қиз, соғлом она”, “Балли қизлар” каби тадбирлар ҳар йили ўтказилиди.

Ҳа, ҳар бир қизнинг тақдирни учун ўз фарзанди каби куюнчак бўлган коллеж раҳбари М. Зуфарованинг шу кунларда иши жуда тифиз. Чунки коллеж 2001 йилда ўқишига кираётган абитуриент қизлар билан гавжум. Биз бу қизларни ўқишига кириб, касб-хунар ўрганиб Ватанимизга ўз хиссаларини кўшишларига ишонамиз.

**Басира САЙИДАЛИЕВА**  
Суврат муаллифи:  
**О. НУРМАМАТОВ**

### МУҚАДДАСДИР ВАТАНИМ МЕНИНГ!

Ҳар бир инсон борки, кёнг очиб, қалб унинг ўз она-Ватани бор. Ватан ота-она, фарзанд, киндиқ қонимиз тўкилган жой, меҳри болан ўйнуглашиб кетган олий бир неъматидир.

Бизнинг она-Ватанимиз мустақил Ўзбекистон дея аталган диёрdir.

Ватаним чексизсан, бағрингин, қалб меҳринги опок, тиник гулга ўҳшатаман. Сенинг ойдек жамолингга ҳавас билан боқаман. Сен суюнчигим, гуруримсан. Тогларинг, яшнаб турган боғларинг, мард ўғлонларинг, посбонларинг, ҳисса кўшиб, “бойлигим – билим” деб жаҳон кезиб, ўзбеклигимни дунёга кўз-кўз қилишга аҳд килдим.

Ватаним, озодлигинг таъ-

мини тотиб, ҳур ѿшаётган, ўз баҳти ва тинчлиги учун курашил келган ҳалқинг

хисса асрда ўзлигини топмоқда. Она юртим, сени баркарор тинчлигингни кўролмай юрган ғанимлардан кўнгиллар озор топади. Илоҳо бу баҳт абадий Аммо, улуғ боболари Амир Темур, шоҳ Бобур Мирзо, Спитамен каби довюрак бўлган мард, ботир ва жа-



сур ўғлонларинг, посбонларинг сени авайлаб, асрарни ҳам карз, ҳам фарз деб билдилар. Ана шундай, мустақил Ўзбекистонимизга мустаҳкам кўргон бўлинг, азиз ака-уқажонлар дейман.

Бағрингда яшётган ҳар бир тирик жон учун мұқаддас Ватансан, ҳеч кимга бермаймиз сени тупроғи азиз - Ўзбекистоним!

**Зулхумор САЙДОЛИМОВА,**  
Пискент тумани  
Кишлоқ хўжалик касб-  
хунар коллежи талабаси

### Қўнгиллар завқ-шавқка тўлди

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси томонидан “Мирзо Үлугбек” номли Маданият ва истироҳат боғида бешинчи бор анъанавий “Маҳалла куни” ўтказилди. Ўнда 445 та маҳалла фоаллари қатнашиди.

Тантанали тадбирда Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбо-

милов «Ибратли маҳалла оқсоқоли», Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласининг оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев эса «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» шаҳар кўриктанловининг голиблари деб тан олинди.

«Маҳалламида 2125 аҳоли бор, - деди «Ибратли маҳалла оқсоқоли»

олият кўрсатмоқда. Ушбу фаолиятдан тушган маблағни маҳалламиз ривожланиши, аҳолини турмуш шароитини яхшилаш учун сарф этамиш. Шу йил 13 та кам таъминланган оиласи ёрдам берди. Маҳалламида ҳашар йўли билан стадион курдик. 9 ёшдан 16 ёшгача ва катта ўшдагиларга мўлжаллан-



сари Рихситилла Акбаров, унвони соҳиби Собиржон Комилов. - Барчага бир хил назар билан қараб, кўнглига йўл тутиб ишлаймиз. Ишларимизни кўргазмали олиб борамиз. Токи аҳоли эришган ютуғимиздан ҳам, камчилик ва муаммоларимиздан ҳам хабардор бўлсин. Маҳалламида қандолатчилик цехлари, чармни қайта ишлаш фирмаси, бешик ишлаб чиқариш ҳамда келин-куёв либосларини тикувчи гурухлар фа-

ган 4 та футбол команда-миз бор. Катта ўшдаги футбол команда-миз 2000 йилда Республика ўзбекистонида олди. Бу йил биринчиликка чиқиш ниятилиз бор.

Хуллас Республика мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан ўтказилган “Маҳалла куни” байрами кўнгилларга завқ-шавқ, фарҳ-иiftixor туйғуларини баҳш этди.

**Хамдам ТЎЙЧИЕВ**

2001 йилнинг сентябр ойида  
Нью-Йоркда бўладиган БМТнинг  
боз Ассамблеяси маҳсус сесси-

си ҳам "Болалар учун овоз беринг"  
- «Ха» деб айтинг" компаниясининг  
ишини таъминлаш борасида киз-

бир миллиондан ортиқ овоз  
тўлланди.

Бу тадбир Тошкент, Фарғона, Ан-  
дикон, Самарқанд, Бухоро вило-  
ятлари ва Тошкент  
шаҳрида юқори  
савида амалга



## БОЛАЛАР УЧУН «ХА»

# ДЕБ АЙТИНГ

ин фаолият кўрсатмоқда.  
Маҳаллалар, мактаблар,  
оромгоҳлар ва турли уч-  
рашувларда овозларни  
рўйхатга олиш ишлари  
қизғин олиб борилияпти.

Тошкент вилояти  
Бўstonлик туманинаги  
«Хумо», «Автомобилчи»,  
«Тон», «Семург», «Гузал»  
болалар оромгоҳларида  
ҳамда Қашқадарё вилояти  
Китоб туманинаги «Ёш  
аланчали» оромгоҳида  
овоз бериш компанияси  
қизғин ўтди. Ҳозирча

оширилалапти. Сиз ҳам ушбу тад-  
бида катнашишиниз мумкин.  
Бунинг учун газетамиз саҳифаси-  
да чоп этилаётган анкетани тўлди-  
риб, унда кўрсатилган манзилга  
жўнатсангиз кифоя.

Бутун дунё болаларнинг баҳт-са-  
одатини кўзловчи бу ҳаракатдаги  
сизнинг иштирокингиз Бирлашган  
Миллатлар Ташкилотининг Болалар  
манбаатлари ҳимоясига ба-  
шишланган маҳсус сессиясига тақ-  
дим этилади.

### ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ

#### АНКЕТА

Мен, \_\_\_\_\_ (исми шарт эмас), барча болалар тинч ва хотир-  
жам, мувофиқ шароитда соёлган вояга етишлини тарафдориман ва бунинг учун  
бизлар:

1. Биронта ҳам болани эътиборсиз қолдирмаслигимиз
2. Энг аввал болалар манбаати ҳақида ўйлашибимиз
3. Ҳар бир болага гамхўрлик қилишимиз
4. ОИТС (СПИД)га қарши курашишимиз
5. Болаларга зиёд етказиш ва уларни эксплуатация қилишига барҳам беришимиз
6. Болалар фикрига кулоқ солишимиз
7. Ҳар бир болага билим беришимиз
8. Болаларни урушдан ҳимоя қилишимиз
9. Болалар учун Ерни асраримиз
10. Қашшоқлика қарши курашиши: болаларнинг ривожланishi учун маблғр аж-  
ратишимиш

#### КЕРАК

Бизда қўйидаги учта муаммо долзарбдири. (Юқорида қайд этилганлардан учтаси-  
ни ўчиринг.)

**Ўзим ҳақида:** Мен \_\_\_\_\_ да яшайман.

**Ёши:** 11 дан кичик 12-17 18-24 25 ва ундан катта.

**Жинис:** Эркак Аёл

Болалар манбаатлари учун ҳалқаро ҳаракатга қўшилишини, унда янада фаолроқ  
иштирой этишини хоҳайдисизм?

**Ха** **Йўқ**

**Ўзбекистон Болалар жамғармасига юборинг:**

Тошкент ш. 700007. Олмачи кўчаси. 32-йул.

## КИТОБХОН ОИЛА

Мабодо йўлингиз Қарши шахрига  
тушиб қолса, Адиолим Эргашев  
шоҳондигина бирров кўниб  
ўтинг.

Хонандонинг катта-кичик аъзолари  
китоб деса ўзини «тотдан  
ташлайдиган» кишилар. Бу хона-  
дон ўзининг шахсий кутубхонаси-  
га эга. Қашқадарёнинг узок тоғли  
тумани - Дехқонбодда асос  
солинган бу шахсий кутубхона  
кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил  
янги китоблар, жур-  
наллар ва бошқа  
вактли матбуот  
хисобига бойиб бор-  
ган. Бу анъана кей-  
инчалик уй бекаси  
ва фарзандлар то-  
монидан ҳеч бўшаш-  
тирилмай, аксинча  
зўр иштиёқ билан  
давом эттирилган. Шу кунларда  
ҳам бу саъӣ-ҳаракат, яъни китоб  
йигиш, кутубхонани бойитиши ча-  
нокли билан давом эттирилмоқда...

Эл орасида ҳақли равишда "Адиолим Эргашев оиласи" кутубхонаси" деб донг таратган бу шахсий кутубхона захираси таҳмиман 10-12 минг томга яқин бўлиб, улар сиёсатчнослик, педагогика, психология, эстетика, тарих, ўзбек адабиёти, рус ва хориж адабиё-

ти, ҳақиқати бадиий иходи, эл-  
шунослик, турли хил қомуслар, ме-  
муар асарлар, мумтоз китоблардан  
ташкил топган.

Республикамиз ўз мустақиллиги-  
га ёришгач, нашр этилаётган ада-  
биёт, санъат, мусиқа, фольклор,  
тил, хукукшослик, таълим-тарбия  
ва этномаданият, жуғрофияга доир  
китоблар, турли туман дарслилар,  
вакти матбуот намуналари ҳам  
маҳсус шфафларга тартиб билан

териб кўйилган.

- Китобга ихлос ва  
уни йигиш отам Эр-  
гаш Хўжаназаров  
тасъирида уйонди.  
Ўзи аранг бошлангич  
синф маълумотига  
эга бўлган отам ки-  
тобни жуда севар, кўп  
мутола қилар, биз-  
нинг китоб ўқишизмизни мунтазам  
кузатиб борар эди, - дейди оила  
бошлиги Адиолим Эргашев. -

Ёдимда, ҳали биринчи синфдалик  
вактимда отам "Алпомиш" досто-  
нидан кунига 4-5 саҳифа ўқитар,  
янада яхши ўқишига ундар эдилар.  
Китобга ошиқлик, ўқишига иштиёқ  
эса китоб йигишга, шахсий кутуб-  
хона ташкил қилишига ўргатди. Чун-  
ки, яхши китоб бир неча бор қай-  
та-қайта ўқилади. Буюк фаранг мұ-  
тафаккири Вольтер айтганидек,

"Яхши китобни биринчи марта  
ўқир эканмиз, ўзимизда янги  
дўстни кашф этиш туйғусини хис  
қилимиз. Ўқилган китобни яна қай-  
та ўқиш эса эски дўст билан яна  
қайтадан қўришиш демақдир".

Китобларга ошно бўлишимга ку-  
йидаги воқеа ҳам сабаб бўлгандир:  
1962 йил. Бахтисиз тасодиф туфай-  
ли мен чап кўлдан айрилдим. Бун-  
дан жуда изтиробга тушиб, нима  
қилишини билмай, довдираб қол-  
дим. Ҳатто ўзимни "бир ёқлик"  
қилишини ўйлаб қолдим. Шунда, би-  
ласизми, китоб ха, ха, ана шу  
мўъжижа ёрдамга келди! Яхши ки-  
тоблар бошимга тушган фам-кул-  
фатни унтиб, яшаш учун курашга,  
кайичиликларни ёнгига унди, ўргатди.  
Ха, бу ҳақиқат, муболага  
эмас. Шу-шу китоблар энг яқин  
дўстларим, роҳат-фароғатли кун-  
ларимда ҳам, фаму андухларга бот-  
ганиларим. Дарвоке, шу яхши ки-  
тоблар туфайли ҳаётда ўз ўрнин-  
ни топдим, меҳнатда шарафлан-  
дим.

Дарвоке, китоб - офтоб деган нақл  
бор. Филология фанлари номзоди,  
доцент, Қарши Давлат университе-  
тининг ўзбек филологияси факуль-  
тети декани Адиолим Эргашев хо-  
надони китоблар зиёсидан нур ол-  
ган, файзга тўлгун хонадонидан.

**Малик МУРОДОВ,  
профессор**

Карши шахри

«Оила ва жамият»га жавоб келди

### ЁРДАМ ЧОРASI КЎРИЛДИ

Кирай туманинаги Қипчоқ қишлоғида истиқо-  
мат кильтувчи фуқаро Ибрагимова Элесгулнинг  
«Оила ва жамият»га соғлиғи њочорлиги, операция  
килдишири учун ёрдам сўраб ёзган хати ўрганил-  
ди.

Маълум бўлди, ҳақиқатан ҳам хат муаллифи  
1989 йилдан диспансер рўйхатидан турди ва ҳар  
йили Республика физиатрия ва пулмонология  
иммий текшириш институтида даволанади.

Вилоят Соглини саклаш бошкармаси ражбари-  
яти Республика физиатрия ва пулмонология иммий  
текшириш институтида маъмурлиги билан Иб-  
рагимова Элесгулни шу йилнинг 10-юни  
ойларда операция ўйли билан даволаш хусуси-  
да ўзари келишдилар. Бу тўғрида муаллифга маъ-  
лум килинди.

Хат муаллифи кўрсатиладиган ёрдамдан мамнун  
еканлигини билдири.

**А. РАХИМБЕРДИЕВ,  
Тошкент вилояти  
хокимининг ўринбосари**

### АРИЗА ЮЗАСИДАН ТУШУНТИРИШ БЕРИЛДИ

Денов тумани, Ал-Бухорий кўчаси 90-ўйда ис-  
тиқомат кильтувчи Д. Аюбованинг ер участаси  
олишига ёрдам беришини сўраб таҳририятга ёз-  
ган аризаси атрофиче ўрганиб чилинди.

Текшириш жарадёнда фуқаро Д. Аюбова 1991  
йил Охунбобоев номли ширкат ўхвалиги "Ян-  
гиобод-1" маҳалласида яшовчи Аюбов Абдула-  
лила тонумидан никодан ўтиб, турмуша чиқан-  
лиги, ойлавий келишмовиликлар натижасида  
1996 йил ноябр ойида никодоний бекор  
килини турмуш ўртоги билан ажрашганлиги  
анхилинди.

Фуқаро Д. Аюбова ҳозирги кунда Ал-Бухорий  
номли кўча 92-ўйда, яни ота-онасиининг кара-  
могида ўса келмокда ва уч нафар фарзанди  
учун белгиланган тартибида алимент пули ол-  
мокда.

Бундан ташкил фуқаро Д. Аюбова фарзанд-  
ларини учун X. Муродов номли маҳалла фуқаро-  
лар йигини томонидан 2001 йил ион ойдан  
бошлаб 16 ёшгача бўлган болаларга белгилан-  
ган нафака тўланимокда.

Шунингдек, ариза муаллифи ўй-жой қуриш  
учун ер сўраб ёзган аризаси Денов шаҳар якка  
тартибида ўй-жой қурилишини мувофиқлашти-  
риш бошкармаси томонидан 1998 йилда уму-  
мий навбатга киритилганлиги ва белгиланган  
тартиб асосида ўй-жой қуриш учун ер майдони  
акратилиши тушунтирилди.

Ариза муаллифи ушбу текшириш натижаси-  
дан қониқанлигини тушунтириш хати билан  
билирди.

**Р. НУРАЛИЕВ,  
Сурхондарё вилояти  
хокимининг ўринбосари**

#### АХБОРОТ

### МЕХНАТ ЯРМАРКАСИ

Үтган ҳафта Тошкент шаҳар Шайхонтохур ту-  
ман ҳокимияти ва туман Мехнат бўлими



ахолини ва, айниқса, аёлларни иш билан  
тамомлаш, қониқий даромад топишга жалб  
килиш, ишсилизуидан келиб чикувчи иллат-  
ларнинг олдини олиш мақсадида "Чорсу" мөхмонахаси майдонидаги бўш иши ўрнин-  
да худудий Мехнат ярмаркасини ўтказди.

Мехнат ярмаркасида тумандаги маҳаллалар  
фаоллари ва 15 дан ортиқ корхона вакилла-  
ри қатнашиди.

Шу куни тавсия этилган 700 та бўш ўрнин-  
гун 200 дан ортиги хоҳловчилар томонидан  
банд этилди. Шаҳарликлар ушбу тадбирдан  
хурсанд бўлдилар.

**Хамдам ТЎЙЧИЕВ**

Барча ўзбек аёллари сингари менинг онам ҳам содда, сабр-бардошли, муруватли, мусичадек бе-озор, ҳалқ хизматидаги аёл эдилар.

Ёшлик пайтларимда қиши кунлари кўпичса, сандал атрофида беш-үн чокли ҳамсоялар тўпланишиб, "достонхон"ликлар килишар, ҳали "Гўрўли", ҳали "Алломиш", "Кунту-миш" достонларини тинглаб ҳархамонларнинг ялмогиз кампирга, девга, бўйларга дуч келиб колганларини эшишиб хафа бўлганимдан йиглаб-йиглаб ухлаб қолардам. Менда адабийтга, шеъриягта ҳавас ўшанда уйғонган бўлса ажабмас.

## ДИМОФИМГА

Онам ҳар йил баҳорда ҳовлиниздаги еринг бир парчасига седана экардилар. "Мушук, кучук кирса увол бўлмасин, жаннатнинг иси келади-я", деб унинг атрофларини чўп, ҳас билан айлантириб, ўраб кўйрадилар. Қачон қараманг, ёз фаслида кулоқларига райхон тақиб олар, йилнинг қайси фаслида бўлмасин, кучогига отилсан димофимга райхон иси уриларди.

Онам жуда мард, кўлдан кетган нарсага ортиқча ачин-майдиган, андишли, мулоҳазали аёл эдилар. Бир куни менга 500 сўм бердилар-да, "Эҳтиёт килиб олиб кўйгин, сўраганимда берасан", -дедилар. (У пайтлар бу пулга битта қорамол берарди). Нима бўлди-ю, шу пулни кўйган жойидан топа олмадим.

Икки уч кун онамга билдирилмай юрдим, пулни сўраганларнида эса кўркувдан титраб, қақшаб пул йўқолганинги айтдим. Онам ҳеч нарса демадилар-у, ўша куни пешоналарини ташиб, бош оғрикли қолдирувчи дори ичиб юрдилар.

Онам бизларга доимо бирорвинг ҳакини ёмаслики, бирорвинг ҳақидан кўркини, қара олганимизда тўлалигича қайтариб беришимиши қаттиқ туриб назорат килидилар. «Сизлар қиз бола, вақти келиб ҳамманизбегона бир рўзгорға тушасизлар, озга каноат, кўлга шукр қилиб яшанглар, кизларим. Бу дунёда "салом" ҳам, "алик" ҳам қарз, сизлар қайононагизга нима кильсангизлар, көлиниларингиз ҳам сизни шу йўсинда сийладилар. Шунинг учун ҳам доимо каттани ҳурмат, кичикни иззат қилинлар. Хўрлик, камлик кўрмайсизлар», -дер эдилар.

Бир куни онамнинг туғилган кунига ўйличам билан бордик. Даструрхон босишида сухбатлишиб ўтирасак, лўхи хотин келиб қолди. Опам битта нон берган эди олмади. Лўли хотиннинг нонни нега олмаётганлигини тушунган опам: "Холажон, хозирча шу нонни ола

### Ота-онамдан олган сабоқларим

туринг, яқинда сигирим туғса, сут-қатик бераман", -деб зорланди. Лўли хотин: "Онанг раҳматли қандоқ хотин эди-я, ёзниң жазирамасида чанқаб кирсак, сув эмас, чалоб (айрон) тутар, еб турган овқатини билзарга берарди. Бавзан эса близларни қазон осиб, бирон тансик, таом билан сийларди", -деб кўзларига ёш олди. Шунинг учунни, онам доим бизларга: "Қизларим, уйнингизга кимдир бирор нарса сўраб кирса, агар ўзларингда бўлса дарҳол беринглар, нарса сўраб киргувчи ўзининг эмас, Худонин номидан келади", -дер эдилар.

Бир кўшнимизнинг хотини ўлиб, уч ўғли етим қолди.



## РАЙХОН ИСИ УРИЛАРДИ

Ийли қиқар-чиқмас эркак ўйланди. Авлалги эридан фарзанд кўрмаган аёл уч ўйғила асло кун бермади. Бўлмаса, бўлал жуда ақлли, ишчан эдилар. Ўгай она кир ювса улар сув ташиб, иситиб беришар, нон ёпса ҳамир кориб берар, 4-5 та молга ўт юлиб, ҳовлини чиннадек килиб супуришар эди. Кечқурган ота ишдан хориб-чарчаб келганда ўгай она "дод" солиб бўлаларини ёмонлар, бундан безор бўлган ота ўйларини кетмон даста билан беаёв калтаклар, бола бечоралар најжот истаб, онамнинг пинжига сукилар, уларни ҳимоя қиласан деб онамнинг калтак тегмаган жойи колмас эди. Охири бўлмади, ота хотиннинг ёмонларини билib, уни ҳайдаб юбориб бошқа хотинга ўйланди. Ҳозир ўша болалар ўйланниб, бола-чақали бўлиб кетишган. Гоҳида, ака-опалариминг тўй-ҳашамларида тўлпанин қолсак, улар онахонном ҳақида яхши гаплар айтишиади. Биз бундан беҳад курсанд бўлмасиз.

Онам доимо бизларга: "Бирорва ёмонликни рабо кўрманглар, вақти келиб ўзларингга қайтади", -деб ўтирадилар.

Онам доимо биларга: "Бирорва ёмонликни рабо кўрманглар, вақти келиб ўзларингга қайтади", -деб ўтирадилар.

Ёшлигимда онамдан эшигтан бир ривоят ёдимга тушди.

Бир кампирнинг ёлғизигина ўғли бўлиб, кампир унинг оиласи билан яшар экан. Келини жуда сержаҳ, қизғаник аёл экан. Бир куни кампирнинг товуқ шўрва ичгиси келиб келинидан илтимос килиби.

Уларнинг кулбаси сои бўйида бўлиб, келини сойгай тушидан пакир курбака териб чиқибида "барибир қайонамнинг кўзи ўтмайди", деб курбакадан шўрва қилиб бериди. Бечора кампир курбакаларини кўрмаса ҳам овқатнинг тахирилгидан сезиз юм-юм йигларкан. Иттифоқ кампир ўлиб, келин ҳам астасекин қарип, файратдан қола бошлади. Ўғил-қизлари возга етиб, ўзи ҳам ана-мана дегунча қайнона бўлиди.

Худонинг ҳошиши биланни өш бошқа нарсаданни, кампирнинг ҳам товуқ шўрва ичгиси келиб, келинига айтиби. Келини эрига айтиб, битта семизигина хўрозни сўйдириб, тозалаб, қозонга солиб устига сув кўйиши билан қозон ичи курбакаларга тўлиди. Бу ходисадан ҳайрон бўлган келин ҳеч кимга индамбди.

Эртаси куни эрига: "Онангизга бугун ҳам битта товуқ сўйиб беринг", -деб товукини сўйдириби. Бугун ҳам шу хол таракорланибди. Учинчи куни ўғли онасидан ҳабар олганни кирибди. Она йиглаб ўғлига: "Уч кундан бери

(Боши ўтган сонларда)

Олис вилоятдан қўнғироқ бўляпти:

- Олаҳон, мен ённингизга бориб гаплашишим керак!

- Нима хусусида?

- Ўглимнинг ўйланниши ҳақида.

- Ўзининг айттагига ўйланмоқчими ёки топишиб бўлибдими?

- Ҳа, - деди титрот овоз билан эррак.

Ўх, дейман ичимда. Унга энди Олдоҳнинг раҳми келсин! Инсонни нафс синдиргани шу. Ўзи пиширган бу бемаслаҳат оши бир жойидан тешиб чиқунча бу боланинг кўргани кўргулик, егани заҳар энди. Унинг ота-онасини ҳам оплок деб бўлмайди, қачонлардир уларнинг ҳам шайтонга оғизи на кулоқ солиб қўйган жойлари борки, шунинг жавобига болалари бугун иблис билан топишиб турибди...

Ёшлидаги кичик хатоинг болаларнинг кисматидат китталашиб, албатта ўзингга қайтади, ўғлоним.

Ёқтириш билан муҳаббатни фарқла. Муҳаббат битта бўлади ва кишининг хисмиди инқиlob ясаб келади.

Бирорни ёқтиридинг дейлик, шу лаҳзадан бошлаб ўзинг ўзиндан қўнғилнг тўлмай қолади, бирор жами айбинг юзага чиқади-да, каттиқ улишига тушасан, билки, бу - муҳаббат! Ҳамма хатоинги у киз кўриб турганга ўшаш, жон ачиғида ўнгланиш заруратини сезасан, шу - муҳаббат! Ишларингда, ўқишиларингда, ўйдаги тутумларингда афзаллик, саранжомлик кўрини бошласа, феълинг ҳалимлашса, бу ўша кутлуг ишкдир! Бундай покланишлар муҳаббатнинг қадамларидир!

Илоҳо, у сенга куш келсин, муборак келсин, ўғлоним!

Муҳаббат кўнгил мулкидир. Кўнгил ўқиған кишинингнинг оёқларига осилиб, мен билан қол дейилмайди ёки орқасидан эргашиб кетилмайди. Бу таъмадир, бу - нафсидир! Юракка ишқ тушишининг ўзи катта бахт! Сен энди ҳеч қачон ёлғиз қолмайсан, доимо бағрингнинг коқ ўртасида сен билан ширин сухбатлар қурадиган дардкашинг, маҳрами жон - муҳаббат бор! У ҳамиша сени назорат қиласди, ҳамиша унга хисоб берасан, унга муносиб бўлишига бир умр уриниб ўтасан. У бирорвон соғиниш, бирор учун ағон чекиш, йиглаш ҳам, ҳатто айрилик ҳам хайётингни тўлдириб турадиган БУТУНЛИК эканини исботлайди.

Ҳакиқий муҳаббатга йўлиқкан киши сўйтагига олислардан тинимизсан яхшиликлар тилаб, унинг таърифларини юрагининг осмонларига кўтариб ўшайди.

Ҳакиқий ошиқ ёрга сен менини бўлишинг шарт демайди, сенга муносиб бўлишига менга йўл бўлсин, деб ўзини тупроқларга тенг кўяди.

Муҳаббат кўкиснга ботган кўш - на фақат сени, бутун умрингни иситиб туради. Асло рўзгорингга, болачақнга ҳалақит бермайди, аксинча, уларга бўладиган муносабатларингта афзаллик кўшиб, уйингни файзиёб киласди. Шундай буюк, баланд рӯҳий покликларга элтувчи муҳаббат келсин сенга, ўғлоним!

(Давоми бор)

Машхура ИСХОКОВА

### ОНАЖОНИМГА ЎХШАЙСАН...

Эй сабо, етказгил шеърим,

ўшал меҳрибонимга,

Кўргим келса боролмайман,

кўзлари хумморимга.

Нигора, биласини, сен болалик чораримизда жуда ҳам шўх кизалоқ эдинг. Ҳали велосипед ми нишаша кашка бўлиб келсанг,

ҳали қиз болалар билан юмдалашиб ўзларинг тираналиб келардинг. Алгебрадан уй вазифанги бажаролмай қўлингда бакани ушлаб мени кувганинг ёдингдами, ишлаб берасизми, йўқум дейя кувлардинг. Ая, айтинг бунингизга, ишлаб бераман вазифасини дея аямни пинжига кириб олгандим. Сен бўлса кулиб бакадан ҳам кўркасиз-а, опа дер эдинг.

Ҳали янги кўйлагимни кийиб кетиб қолардинг ўқишингта, ҳам туфлимини...

Умр оқар дарё экан. Вакти ўтишини

караки бугунги кунда мен 2, сен эса

3 нафар фарзанднинг онасимиз. Ши-

риндан-ширин қизчаларингни, айникса

Мадина бонуни соғиним, биласан-

ми у худди сени ўшилгингта ўхшай-

ди. Шўх шаддодлиги ҳам, байронлиги ҳам.

Бугунги кунда сен Тошкентда, мен эса Пахтаобод-

даман. Ёлғизигина сингилжоним, онажонидан қолган ёдгоримсан. Сени юз тузишиларинг, сўзлагандан макол

кўшишиб гапиришиларинг, қўлларингни ўзиншоқлиги ҳам онажонимга ўхшайди.

Қиз бола «плахмон тоши» деганлари рост экан.

Қаёдра бўлсанг ҳам соғ-омон бўлгли,

боловларнинг ўзинг баш бўлгли. Сени

жуда-жуда соғиним, синглим.

Сени соғиниб хат ёзувчи опанг -

Машхура ИСХОКОВА

# БУ ИЛЛАТГА ҚАРПИ БИРГАЛИКДА КУРАШПАЙЛИК

**35** ёшдаман. 2 киз, 2 ўғилни тарбиялаб vogя етказыпман. Мени сизга хат ёзишга ундаған нарса юрагидаги дарду аламларимидир. От-онамнинг рози-ризолиги билан, лекин севмасдан зрга текканман. Тақдир экан деб, турмушнинг барча кийинчиликларни енгіб 17 йилдан бүнш яшаб келаяпман. Бошина эрим оила учун жонкуяр ота эди, елип-юргирип ишлар еди. Болаларин, мени жуда яхши күрарди. Вакт ўтиб мен сезмаган холда, яширинча, гиёхванд жүраларига күшилип наркотик моддалар чедидиган бүліп қолған. Аста-секин «ойни» этак билан ёпіп бүлмайды» деганларидек, у киши ўз айбига иқрор бўлди.

Мен бошида ҳеч ҳам ишонмадим, лекин бу мен учун ҳәйтимдаги энг оғир кун бўлди. Болалар олдида чекканини кўрсам ҳеч ўзимни тұхтата олмас эдим. Асабларим бузилиб: «Болалар олдида чекмайт, тарбиясини бузасиз», -деб уришил берар эдим. Лекин бу ҳолатлар очик-оидин тус ола бошлади. Уйда уриш-жанжалларимиз кундан-кунга авж олди. Бу гаплар кўнишни, қариндошлар орасидан тарқалди. Болаларимиз ризқидан кийиб зора тузалар деб, даволатишга ҳам уриниб кўрдим. Маошимни олиб, таниши биллиш килиб касалхонада ҳам яширинча 2 ой даволатдим. «Ўрганган

кўнгил, ўртанса кўймас», деганларидек у киши касалхонада ҳам иложини топиб, чекиб юрган эканлар. Менинг меҳнатларим эса зое кеттеганига ачинаман. Бу одам уйдаги анжомлар, болаларимга деб атаплан тақинчоқларни ҳам шу заҳарга алмаштирганини биллип қолдим.

Наҳотки фарзандларим орзу-хавасини кўрай, болаларим, оилас деб яшай деб бор куч-иродасини ишга солиб чекмаслик нинг иложини топмаса. Фарзандлари олдида «Ота» деган улуг номга иснод келтирса. Фарзандлар отанинг қылган ишларидан номус қўлса. Болаларга оталик меҳрини бера олмаса. Ҳаётнинг кувонни ва ташвишларини шу заҳарга алмаштирган бўлса. Кечалари билан насиҳатлар бергандарим, ийлаб-ёлворгандарим ҳаммаси - ҳаммаси сувга оқиб кетди. Ўзига келиб қолар деб гаплашмай юрган пайтларим ҳам бўлди. Натижага бўлмади. Гиёхвандлик гирдобига гарк бўлиб кетган ба кишига ҳеч нима кор қўлмайди. Эркаклик иродаси, чидамлилик, бардошлилик қани?

Бу заҳарларни тарқатадиганларга Худймин ўзи жазосини берсинг. Менимча, мёнга ўхшаган, ичидар дардини ютиб юрганлар кўпайса кўпаятики, лекин кам эмас. Эринг ённингда бўлса рўзгорини, фарзандларини, ёрини ўйламаса... Бунақада ҳәёт-

нинг қизиги ҳам қолмас экан. Биз ўзбек аёллари сабр-бардошлисимиз, вақти келса яхши бўлар деган умид билан яшайверамиз. Оила аёл ва эркакнинг ҳамфирлиги, ҳамкорлиги, меҳр-муҳаббати ҳосиласидир. Лекин эркак - ота деганлари ўз ҳолича саса, дангаса-ишиқмас бўлса аёл-она нима қўлсин, чорани қайдан изласин? Ахир буни рўзгор деб қўйибдилар. Ана шундай ҳолатда баби аёллар хаёт машақатларига чидамай билиб-майлан шайтон йўлига кириб кетадилар. Нега - нега эркакларимиз қўзларини вақтида қаттароқ очишмайди. Аёл хотири эркак таянига муттоҳ, эрнинг ширин сўзи, эъзо-эътибори, мақтоби гадоси.

Ҳамма ҳам сабр-бардошли, меҳрувафоли, иймон-эътиқодли бўлса, оиласига ажралашлар камиб, тирик етимларнинг қўз ёшлари тўкилмас, болалар уйларининг эса кераги ҳам бўлмас эди.

Мен заҳри қотилни деб гиёхванд эрим томонидан сотилган, ё алмаштирилган тиллаларимга ҳам, нарсаларимга ҳам ачинмайман. Лекин умр йўлдошини қайси усол билан, қандай килиб аввали ҳолига келтирасам деган ўй-ташвищадаман. Азиз юртдошлар, маслаҳат ва таклифларинизни кутиб қоламан.

С.

Самарқанд шахри

ввало ўзимни таништирасам, оиласим, 2 фарзанднинг онасиман. Ўзим севгян касбда меҳнат қиласидан мудҳиш фожеа туфайли айрилдим. Бу оғат олдини олайлик. Аввал ҳавасга чекиши ёки мен ҳам йигитман-ку, йигитчилик-да, деган маънода татиби кўриш. Сўнг ўзи билмаган ҳолда қайтиб сўраб бориши. Иродасизлик! Маблағ йўқ пайтда жиноятга кўнурниш! Вакт ўтган сайдин эса бу маст-аластликлар тасирни килмалётгандек туолаверади. Энди кучлирогини хоҳлаб қолишиади. Иродасизлик, матонатизлик эвазига оғу дардига мубтало бўлишади, ажал чўққисига зинама-зина одимлаб бораверишади. Буларнинг якуни аса афуслар бўлсунким, ҳеч яхшили билан тугамайди. Гар шундай экан биз ўшларга утириши миз керак, зинҳор бу огуга қизиқа кўришмасин!

Ён-атрофимизга оғоҳ назар билан бокайлик. Токи жабрланувчилар сони кўпайшига йўл қўймайлик! Миллатимиз тинчи, равнақи учун курашайлик! Ўз ўйимизни, ўз фарзандларимизни ахал оғусидан, номусли ўлимдан ўзимиз асрайлар.

Рахима ЗИЁДОВА  
Шайхонтохур тумани

## ОИЛАНГИЗГА ҚАЙТИНГ, ПОЧЧАЖОН...

Менинг битта-ю битта холажоним борлар. Улар поччамга 1984 йилда севиб-севишиб турмушга чиққанлар. Эх, уларнинг турмуш куришларига кўплар тўсқинлик қилиши. Айниска бувим буни истамаганлар. Тўғрисини айтсам, бувимнинг ҳәётин қийин кечган. Беш болани қийинчилик билан эрсиз бокиб, ҳар бирини кийинтириб, едириб-ичиришнинг ўзи бўладими?

1985 йил холам фарзандли бўлдилар. Фарзанд! Ота-она учун қанчалик қувончили эканлиги ҳаммамизга аёндир. Улар 15 йил фаровон, баҳтили ҳәёт кечирдилар. 1997 йил қизли бўлдилар. Қизлик хонадан файзли бўларкани, поччам хизмат погонасидан юқорига кўтарилилар. Кейинги пайтларда эса поччам уйга кам келадиган одат чиқардилар. «Ишхонада зарур иш чиқиб қолди», -деб баҳона қўлардилар. 1998 йил поччам яширичча бир аёл билан яшай бошлаган эканлару, холам эса бундан бехабар қолибдилар. Бир йил ўтиб, ўша аёл ҳомилодар бўлгандар. Поччам унга иккни хонали ўй олиб бериди, уч норасида фарзанди ризқини, нонини у билан бўлиша бошладилар. Ахир гўзал, саранжому сарышта, меҳрибону замхўр холамнинг айби нима? Эндиғина 37 баҳор қаршилаган холам қийин вазиятга тушиб қолдилар. Поччам билан ажрашай десалар, олдирида фарзандлари бор. Мен мана шу ҳатим орқали поччамга шундай демокриман. Поччажон, қарип, ҳеч ишга ярамай қолганди, бир куни қадрдонларинизни эслаб, соғиниб, меҳрға зор бўлиб қайтишга мажбур ҳам бўлишингиз мумкин. Лекин унда кеч бўлади. Оилангиз - фарзандлариниз ҳали ҳамон ўйлнингизга кўз тикиб турган хозирингогда унда ғарғига қайтинг. Ўша беғубор севги шамчирогини қайта ёкиб, ширин ҳәётингизни давом эттиринг.

Наргиза НОСИРХЎЖАЕВА

Тошкент

## БАҲОДИРЖОН, СЕНИ ИЗЛАЙМАН

Мен Бекобод шаҳрида туғилман. Дадам ва азим «ҳарактерлари» тўғри келмай ажралашган, бошқа бошқа рўзгор килиб кетишган. Ўртада эса мен...

Мен ўшандан кейинги ҳәётимдан нолимоқи эмасман. Йиллар ўтиб мен Бекободга дадам, бувим, опамларни кўрганинг бордим. Умидга опам мени ўз қизларидек кутиб олди. Қайсида фазилатлари ажонимга ўхшар экан. Мана орадан 20 йил вакт ўти. Ҳамон ўша ҳовли мени кутаётгандек. Афусски ҳозир у жойлар ўрнига улкан иморатлар курилган бўлса керак. Даҳамнинг Баҳодиржон исмли ўғли бор эди. Ҳозирги кунда Пискент туманида истикомат қўлувчи Баҳодиржон катта йигит бўлиб қолганди.

Азиз юртдошлар, Баҳодиржонни таниган-бингланлар бўлса ёрдам берингизлар, узилган опа-уқалик ришталарини боғлайлик. Баҳодиржон, сени излайман. Укажон, опаннинг ҳеч ўйлайсанми? Балки сингилларинг бордир. Мен ҳам сени соғиниб кутаман.

Опанг:  
Мұҳаббат СОЛИЕВА,  
Жияйларинг:  
Мұҳајёхон, Ферузаҳон.  
Манзилим:  
Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Навоий кўчаси, 9-й. Ин.: 713500

## ҚАЙНОНАМ БИЛАН ФАХРЈАНАМАН

Менинг ўйлашишча, дунёдаги энг катта баҳт оиласидаги шодликларидир. Ўз оиласидан баҳтили бўлиб ахил шудон турмуш кечиришга не етисн. Айниска умр йўлдошинг, қайнона-қайнатонг меҳрибон бўлишса. Кўплар фикрича, оиласидан бузилишида аксарият қайноналар сабабчи. Бу гап қисман тўғридир. Лекин ҳәётимизда келинини ўз қизидай кўрадиган меҳрибон қайноналар ҳам бор. Буни мен ўз қайнона мисолида исботлаб бермоқчиман. Ҳозирда ўшим 43 да. Қайнонам Муқаддама амбизни овсингиз билан кўш келин қилиб туширишган. Бизнинг тўйиниз 1981 йил бўлиб ўтган (яни 23 ўшимда). Биз турмуш ўртоғим билан совчи орқали танишганимиз. Оиласидан қайноналар онамдек, овсингиз синглимдек бўлиб қолган, ҳаммамиз қайноналаридан миннатдорманди.

Ҳозирги келиб фарзандларимиз 4 та – 2 кизу, 2 ўғил. Мана турмуш қурганимизга 20 йил бўлди. Тинч-тотув яшамоддамиз. Тўғри, оиласидан келишмовчиликлар ҳам бўлиб турдади. Ахир буни ҳәёт дейдилар. Биз онгли инсонларидар.

Ҳозирги келиб фарзандларимиз 4 та – 2 кизу, 2 ўғил. Мана турмуш қурганимизга 20 йил бўлди. Тинч-тотув яшамоддамиз. Тўғри, оиласидан келишмовчиликлар ҳам бўлиб турдади. Ахир буни ҳайтадир. Биз онгли инсонларидар.

Сўзим нихоясида азиз қизларимизга менинг меҳрли қайнонам сингари қайноналар насиб этишини тийлайман.

Зухра НИЗОМИДДИНОВА  
Тошкент шахри,  
Юнусобод тумани

Жуда кадим замонлардан бери қайнона-келин можаролари давом этиб келади. Бу асли мушкул савдо.

Мақола муаллифи Бердиёр Жуматов ҳатто Куръони каримнинг сураларида ҳам бу борада фикр юритилганини изохлаб берган. Муаллиф таъкидлагандек, бир кун жанжал бўлган хонаондона 40 кун барака бўлмайди. Хонаондона яшовчиларнинг ҳам роҳати бузилади. Фарз қўлайлик, ойлангизга янги келин тушиди. Бу келинчак худди ёш нихолга ушҳайди. Нихонни кеттириб яхши жойга экасиз. Унга сув, ўғит берасиз. Ён-атрофидаги бегона ўтларни юласиз. Мол-ҳол емасин деб, уни ҳимоя этасиз. 3-4 йил шу ҳолда парвариш қиссангиз мевасини оила аъзолари билан та-новвул этасиз. Янги келин ҳам сизнинг ойлангизга келди. Ота-она, турмуш ўртоғи, қайнингиллар ва қайнукалар унга қандай муносабатда бўладилар! Қайнона келинингин ҳар бир ишини синчковлик билан кузатади. Келинчак эрталаб барвақт ту-

мизга келдилар. 5 фарзандни тарбияни билан хотиним банд. Онам вафот этганлар. Бир сигиримиз бор. Қайнона сигирни ориклигини кўриб:

- Нега буни яхши боқмаяпсизлар. Мен пул бераман, бориб Риждувон бозоридан данак олинг. Шуни қақиб "шўр данак" тайёрланг, келгуси дам олиш кунига элтиб сотинг. Фойдасига сигир учун ем олинг. Ахир бу молга қарасангиз сут беради-да. Озигина меҳнат қўлсангизлар рўзгорга кўшичадаромад киради, - дедилар таъкидлаб.

Маслаҳатларига амал қўлдик. Тезда янги ўтларни устига шифер қопладик, янги "Москвич" сотиб олдик, шу "шўр данак" сотиш туфайли. Ҳали-ҳали эслайман, шуни. Худо раҳмат қўлгур қайнона мен учун ҳақиқий она эдилар. Илоҳим қабрларида тинч ётсиллар. У киши меҳнаткаш, ҳақиқий фариштада аёл эдилар.

Келин бўладиган қизларимизга ҳам айтадиган гапларим бор. Кўнгилни кенг қилинг. Қайнона нима деса, "Хўп,

## ҚАРС ПЕГИ ҚЎДАН ЧІГАШ

«Қайнона — она бўлса»—II-сон

**ЭСЛАТМА: Қайноналар кўтингча арзимас баҳона топиб келинларини хўрлайдилар. Ўртада болалар азият чекишиади. Ўғил эса онасининг бу хил шишидан изтиробга тушади. Бундай ҳолат охири-оқибатда оила бузилишига олиб келаётгани ҳақиқатидир.**

Бердиёр ЖУМАЕВ

риши, супаларни супуриши, чой-овқат тайёрлаб кеттириши, чой сузиши, узатиши, ишга бориши, келиши ва кечки овқат... Ҳуллас ярим кечагача бўлган юмушларни бажаришини қайнона кузатади. Ҳали бу келинчак бу янги оила аъзоларининг феълатвори, ўзаро мумомаларини ўрганмаган. Тезда у оиласа қизларидек бўлиб кетиши ниҳоятда кийин. Бунинг устига янги келинчак ўз уйида хамир қориши, кир ювиши, турли овқатларни пишириши яхши ўрганган бўлса нур устига аъло нур. Агар яхши ўрганмаган бўлса-чи? Олий ўқув юртида ўқиган, ёки далага чиқиб ишлган, онаси ёки янгаси тайёрлаб овқатларни еган бўлса-чи? Бунинг устига ўй тутиши ҳам ўрганмаган бўлса, ана энди кўринг томошани. Қайнона келинга заҳрини сочади. Биз сизлардек бўлган вақтимизда, ундан эдик, бундай эдик ва ҳоказо... Ўғли ишдан чарчаб келди. Ўғила бу гапларни дастурхонни қўлади. Қайнона тага ва хонадон эгаларига бу гапларни етказади. Натижада оила аъзолари келинчакка бошқача қарай бошлийдилар. Келинчак ҳам бу хонадондан безиди. Охир-оқибат иш ажралишгача бориб етади.

Ҳаётда яхши қайноналар ҳам ниҳоятда кўп. Яхши қайнона келинини ёмон томонларини яширади, яхшилигини осиради. Ахир ўша қайнона ҳам вақтида келин бўлган-ку. Келинчак овқат пиширишида хато килаяти. Қайнона шуни яхши гап, босиқлик билан тушунтираса, олам гулистон.

Рахматли қайнонам бир куни уйи-

сизники маъқул", - динг. Атрофидан бундай айланинг, ундан айланинг. Ойи-жон чой ичасизми, қана-

### Акс сало

қасидан дамлай, деб ҳар замонда кўнглани кўтариш. Ҳар бир қипадиган ишингизни бошламасдан маслаҳат сўранг. Агар соғлиги ёмонлашса, ёёқ-қўлларини уқаланг, ҳуллас қайнона билан яхши муносабатда бўлинг. Кечкурун турмуш ўртоғингиз билан бирга бўлганда қайнона-нингизни ёмонламанг. Унинг дилини ҳам оғримтнан. Шунда сиз ютасиз. Сиз яхши келин бўласиз. Ўйнингизда ноҳушукларни ота-онангизга ҳам билдираман. Акс ҳолда куда-андалар орасида тезда совуқилик тушади.

Қадрли мухлис, сизнинг мактубингизга жавоб ёзмоқдаман. Сизга она ҳам, турмуш ўртоғингиз ҳам керак албатта. Онажонингизга яхшилаб тушунишинг. "Онажон, менинг фарзандларим бор. Шу жондан ширин набиралингиз, мен - фарзанднингиз ҳурмати турмуш ўртоғингиз ҳатоси бўлса кечиринг. Ахир мен ишга бораман, келаман. Доимо қалбим нотинч. Фикр-хәлимда сизларнинг келишмовчиликларингиз зарбаси, ҳаммада бир кор-ҳол юз бўрса нима бўлади", - деб тушунтиришинг. Ахир отангиз бўлса, у кишига айтинг. У киши онангизга тушунтираплар ёки ўзинингизга энг яқин кишингиз тушунтираса яхши бўлади.

Турмуш ўртоғингизга маслаҳатим шуки, ниҳоятда одоб ва тавозе билан онангизга қарашсалар. Яхши гап билан илон инидан чиқар экан. Наҳотки тил топиш қийин бўлса? "Келинжон, феълингизни кенг қўлинг, кечкурунлари. Ҳудойа илтиҳо қўлинг, қайнона менингизни кўнгилларига раҳм сол", - деб... Ҳуллас шуки, қарс икки қўдан чиқади. Қайнона ва келинчаклар мустошимаси яхши бўлса, оила мустаҳкам бўлади. Ҳеч қандай гиди-бидига йўл қолмайди. Ҳудойи таолодан илтиҳо қиламанки, ҳар бир курилаётган янги оила мустаҳкам бўлсин. Тантрим, доимо ўзинг кўллагин!

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ  
Бухоро вилояти,  
Риждувон тумани,  
"Зарафшон" ширкат хўжалиги

## КЎНГЛИНГИЗНИ ЯРИМ ҚИЛМАНГ ОПАЖОН!

"Оила ва жамият" ҳар ҳафта уйимга ғиз ўз қўлмишидан пушаймон бўлаётган экан, демак уни кечириш керак.

Қолаверса,

4 фарзандингиз ба-  
логат ёшига етаётган

экан, уларнинг кейинги тақдирини бир тасаввур

қилиб кўринг-а? Шундай экан, "Сабрнинг таги олтиндир" деган мақола

га амал қўлиб, сабр-то-  
қатли, динатида ва ке-

чирилми бўлишингизни истардим. Опажон, ҳар

кимнинг кўлидан кела-  
вермайди кечириш.

Оилани бутун саклайдиган омиллар-  
дан бири кечирилми бўлишидир. Ке-

чириш - бу оний юқазиш, аммо ях-  
литни ютиб қолишидир. Эрингизни  
кечиринг, чунки ҳалқимизда "Кўз  
очиб кўрганим" деган бебаҳо ибора  
бор, нима бўлса ҳам у фарзандларин-  
гизнинг отаси.

Аллоҳимдан сўрайлик, ҳамиша эр-  
қапларимиз ўз оиласини мажҳам  
ушласинлар, аёллари камситилиши-  
га, фарзандларининг хўрланишига  
йўл қўйасинлар. Ҳеч кимнинг так-  
тир эшиги, оила бешиги синмасин,  
эрнинг қадди, аёлнинг қалби букил-  
масин. Ҳаётнинг зарбаси ҳаммага  
турлича бериларкан. Ҳулоса шуки,  
хиёнат ву пораҳўрлик гуноҳлари  
Аллоҳ олдида бир хил ўлчанса керак.  
Негаки, Аллоҳ тавба қилган бандасига  
раҳмидил ва кечириллигиги Куръони  
карим орқали маълум қилган.  
Ҳеч биримизнинг қадамиимизни хиё-  
нат ўмасин...

Ҳар бир ота-она фарзанд ўстирад-  
екан, фарзанднинг орзу-хавасини,  
бахтини кўришинастайди. Вояга  
етган ҳар бир қиз ота ўйни тарк  
этадиганда уйи осталасидан отаси-  
нинг кузатиб қўйиши насиб этсин  
иншооллоҳ.

Опажон, ўз вазифа ва бурчингизни  
ҳалоллик ва поклик билан адо этинг,  
фарзандларингиз тақдирини ўйланг.  
Аллоҳ таолодан 4 нафар гулдай фар-  
зандингизни бахтини тўқис қилиши-  
ни, эрингизга "ўтқинчи бахтдан"  
кешиб, инсоф-диёнат, меҳр-оқибатли  
бўлишини сўранг. Сизга эса ҳаётнинг  
хиссина кучайтирмоқдир. Сиз мактуб-  
ингизда оиласи бузабётган аёлларга  
қарши қонунда жазо сўрабисиз. Нега  
эрракларга қарши чора сўрамаҳисиз?  
Мен аввало турмуш ўртоғингизни ай-  
блайман. У севгисига содик, сизга ва-  
фодор бўлганида, оиласа хиёнат ара-  
лашмас эди.

Шаҳардан қишлоққа тушган ҳар бир

қиз қишлоқнинг оғир синовларини

енгиб ўта олмайди. Сизга оғарин, та-

саннолар бўлсингим, шу қийинчилик-  
ларни енгиб ўтибисиз, чидабисиз. Эрин-

Гули АДИЗОВА

## ДОҒДА ҚОЛМАНГ

«Тиббий кўрикдан ўтишганда эди»—29-сон

Мақолани ҳаяжон ва из-  
тироб билан ўқиб чиқдим.  
Ўғил ўйлантириб, келинга

хўчимизнинг таносил қасалликлари

диспансерда рўйхатда туришини бил-  
қолдик. Ўйлимга ҳам юқибди. Судда ушинг  
қасаллигини исботлаб, маънавий зарар ҳам  
ундирилди. Бироқ ўйлимнинг кўнглига ет-  
ган озорни қандай ювиш мумкин.

Лола АҲМЕДОВА

гидан емирилиб кулади.

Тагини суршиштормай, шошма-шо-  
шарлик билан қилинган тўй пишма-

ган хом мевани узиш билан баравар.

Яхши ният билан, топган-тутганини  
нийиб, яхши келин олиш орзуси-  
да юрган юртдошлар, келин олиш-  
нинг турли томонлари борлигини  
унутманд, акс ҳолда "Ўйламай бос-  
дик тиконни, тортадирман жабри-  
ни", деб додга қолманд.

Юнус ТОЛИПС

Тошкент

## БАХТИ ТҮКИС АЁЛ



Инсон кундалик иш, турли ташвишлар билан бўлиб вактнинг канадай ўтганини хам билмай қоларкан. Хар куни кўриб, учрашиб юрган одамлар эса кўз олдингизда хамиша навқирон бўлиб туялар экан. Аммо, ўтётган умр эса...

Биз билган меҳнатсевар, тиниб-тиничимас аёл Инқилоб опа Юсполова табаррук ёшга тўлибдилар, дейшиганида ишонгимиз келмади. Инқилоб опа республикамиздаги ёнг нуфузли идораларда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келди. Бугунги кунда ҳам Узбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг раиси вазифасида фаолият кўрсатмоқда. И. Юсупова шу жамғарма кошида "Оила ва жамият" газетасини ташкил этди. 1991 йилнинг 1 сентябр куни "Оила ва жамият" газетасининг ишо чиқди, ўз мухлислирни топди. Газета қандай маъвзеяни эришиган бўлса хаммасида Инқилоб опанинг

## Кутлов

кўшган хиссаси катта бўлди. Инқилоб Турсуновнинг саъй-ҳарорати билан дунёга келган "Оила ва жамият" газетаси ҳам бўй 10 ўнга тўлади.

Эртадан кечгача масъул ишлар билан бандар бўлган Инқилоб опанинг барча аёллар ҳавас қўлса арзидиган оиласи бор. Кўчада талабчан, жидий раҳбар бўлган Инқилоб опа оила даврасида меҳрибон она, ораста бека, ширинтой набираларининг суюкли бувихонисига айланади.

Турмуш ўртоқлари Собиржон ака ҳамиша Инқилоб опанинг фирдоси. Уларнинг ахол оиласида 4 нафар фарзанд үлгайбояя етишиди, элга кўшилишиди.

Ёши 84 ни коралаб қолган қайнонасининг дусосини олиб, катта хонадондаги овсинглари билан ахилиқда яшаттган Инқилоб опа Юсупованинг оиласи бахтига хавас килдик.

Мұхтарама Инқилоб Юсуповани муборак ёши билан кутларканимиз, кишига соғлиб, узоқ умр тиладик. Зоро, инсонга элу-юрт, оила, фарзандлар ва дўстлар даврасида яшашдан ортиқроқ баҳт йўқ. Оллоҳ ҳар бир аёлни мана шундай тўқис баҳтга мушарифини топди. Газета қандай маъвзеяни эришиган бўлса хаммасида Инқилоб опанинг

## СИЗНИНГ "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"

## СУРНАЙ НАВОСИ...

Ёшлигимида бувам меҳмон бўлиб келишларини интизорлик билан кутар эдик. Чунки, бувамиз ҳар келгандаридан ширинликлар, учар шарлар олиб келар эдилар ва биз эркотайларини ишга солисида устаси фарзандидар.

Айниска мен бувамларни соғиниб кутар ва кетиб қолмасинлар деб, бир пой амиркон этикларини доим беркитиб кўр эдим. Бувам раҳматлик мендан этикни олишлари эвазига ўршадиги хотиралирдан, ёхуд ёшликларида бошларидан ўтган ажойиб-гаройиб

## Ажойиб-гаройиб

лар опполк кийимларда чарх уриб айланниб ўйнар, туй авжиди эди. Мени кўриб гўзал парилар менга шундай илтифот кўрсатдиларки, асти қўяверасан. Кўлимдан етаклаб, тўрга ўтказишни. Кўзимга шундай терумлишдик, аъзо-баднимига аллакандай илиник юргуди, бошимдан хушим учди. Мен уйғок эдим-у, бошим ишламас, тилим калимага келмас эди.

Дастурхон ноз-неъматларга тўла, очарчилик вакти эмасми, патир, қанд-курс, магиз-туршак, тарвуз-қувонларни куриб эсим оғай деб колди. Бисимлироҳ раҳмонир раҳим, деб кўлимни узатганини биламан, патир деганин таппи, магиз деганин кўй қумалоги бўлиб колди, сурнай навоси эса авжига чиқди. Парилар гойиб бўлди. Мен қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим. Бу орада Зуфар амаким тегирмонда ўйклигини сезиб, кидириб чиқидалар. Уларнинг: "Каримжон, болам, нима бўлди сенга, болажоним. Галир, галира кол, нима гап ўзи?"-деб сўрган саволларига жавоб берадай дайман-, ўзимни кулишдан тўхтата олмайман.

Тонг отди... Амакимнинг илтимоси билан тегирмончи домла билан бирга кайди. Уч кечак-ю, уч кундуз мени ўқиди. Шундан кейинги ўзимга келдим. Лунжик шишиб, яна уч кунгача оқват ҳам ёёлмадим.

Шу тарика тегирмонга борганим бир умр ёдимда колди. Яна шуниси борки, гоҳи-гоҳида хозиргача хам кулоғимга ўша сурнай навоси эшигидандай бўлади.

Мангира САФАРОВА

Зангиота тумани,  
Эшонгузар қўрғони

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

**САВОЛ:** Собиқ хотиним ажрашганимиздан сўнг, иккаламиз ўртамида туғилган фарзандларимиз (бир ўғли ва бир киз)ни менга умуман кўрсатмай кўйди. Нима килишини билмай қўлдим. Менинг фарзандларим билан бирор бир қонун-коидага мувоффик учрашид турининг мумкини?

О. МАМАЮСУПОВ

Хоразм вилояти, Шовот тумани,  
К. Рахимов ж.х. 8 бригада

**ЖАВОБ:** Мумкин. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 76-модасида кўйидагича дейилган: "Боладан алоҳида яшайдиган ота (она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишида қатнашиш ҳукукига эга. Бола билан бирга яшайдиган ота (она) боланинг ота (она) билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соглигига, ахлоқий камолотига зарар келтирмас, каршилил қўлмаслиги керак.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналил ҳукукларини амалга ошириши тартиби тўғрисида ёзма равишда

келишув тузишга ҳақидир. Агар ота-она келиши олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бирининг) талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал килинади. Суднинг ҳал қилув қарори баҳарилмaganда айборд ота-онага нисбатан конун ҳужжатларидан назарда тутилган чоралар кўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори касдан баҳарилмaganда тақдирда суд боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг талабига биноан бора манфаатларини ва унинг фикрини хисобга олган холда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Боладан алоҳида яшайдиган ота (она) тарбия, даволаш, ахолини ижтимоий ҳимоялаш мусассалари ва бошча шунга ўншаш мусассалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳукукига эга. Ота (она) томонидан боланинг ҳаётни ва соғлиги учун хавф-хатар бўлгандагина, уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот беришнинг рад этилиши устидан суд тартибida шикояти қилиниши мумкин.

Лола АҲМЕДОВА тайёрлари

Азиз жияним  
Юлдузхон БўРИЕВА!

Сени 12 йилни, мұғал шўғини  
билин дилдан қўшлаймиз!  
Яршиян сенинг уғринни ўзбек  
бахтишини бағфамоқ ҳақони.

Табассуминг гул килсан-а олами,  
Гўзлалникинг сенга берсин бу дунё.  
Мунаввар эт нуринг ила ҳар дилни,  
Самода чаракла мисоли Зуҳро!  
Юлдузим улғайиб ой бўлгигин,  
Фам-алам кўрмагин, баҳт билан яша.  
Бахтишига доим бўлгигин соғ-омон,  
Шўх ва шодон кувнаб юргин ҳамиши.

Холанг Вазира, онанг Шахло,  
буванг, бувинг, тогаларинг,  
сингилларинг

Сулоқли қизимиз  
АДИБАХОН!

Сени табаллуд қунини билан  
табриқлаёмиш. Ҳаслимизга доим сога-  
саломаш, шунг ишлаб боли оғлини.

Оиламиз номидан отанг  
Эсонбой Кўчимов  
Ургут тумани

ХОЖИАКБАРЖОН!  
Сени табаллуд қунини билан  
калдан бағфа қабму-қариндоша  
номидан қўшлаймиз. Ўзбек умф, солик  
тилаймиз.

Даданг Сайфиддин  
Муҳаммадиев  
Китоб тумани,  
Сурум кишлоғи

## ХАНУЗГАЧА. ЁЛҒИЗМАН

Нуфузли бир ташкилот ходимаси-  
ман. ўшим 32 да. Худога шукр, яшаш  
учун ҳамма шароитим  
етарли. Гоҳида яқинла-  
риминг кичаларига атаб кўйлакла-  
рар тикаман. Ширинликлар таъёр-  
лайман. Лекин мен ҳанузгача ўзим-  
га муносиб бирор - бир касб эгаси  
бўлган, ўзига тўқ, меҳрли, уйим-жон-  
ийм дейдиган, олижаноб инсонни  
топа олганим йўқ. 35-40  
шўлардаги бир инсон  
билан турмуш курсам дейман.

МАЛОХАТ

## ОИЛА-35

Ибратли оила учун куйиб пишадиган, оқкорғонлик, 31  
ёшли, ажрашган ўқитувчи аёл, 40 ёшларда бўлган, тушун-  
ган, олижаноб эркак билан (битта ёки иккита фарзанди  
бўлса ҳам майли) танишиши истайди.

## ОИЛА-36

54 ёшли, баланд бўйли, фарзандлардан тинчиган, ўйли-  
жойли тошкентлик ўзбек эркак, 40-50 ёшлардаги баланд  
бўйли, тошкентлик, бефарзанд аёл билан турмуш курмокни.

Тутқанок, руҳий касаллик, гиёхванд-  
лик, дудукланиши, ўйқусизлик, омад-  
сизлик ва бошқа турли ҳолат, касал-  
ликлардан фориб бўлишини истайди-  
гандарни даволайман. Тел: 64-02-16

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани-  
даги 209-ўрда мактаб томонидан 1988 йил-  
да Мусаев Темур Ҳасановича берил-  
ган №766236 рақами гувоҳнома йўқол-  
ганилиги сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ.

"Раъно" ўкув маскани қўйидаги курсларга сизларни ўқиши  
таклиф этади ва уларнинг нозик сирларини ўргатади:

1. Торт, пиширик, салатлар тайёрлаш - 1,5 ой. 2. Замо-  
навий парда, чойшаблар ти-  
киш - 1 ой.

Манзилимиз: Метронин Гофур Ғулом бе-  
кати, 1-йч, 6-кават, 44-хона. (Ганга) мага-  
зини қаршисидаги 12 қаватли бино.)  
Тел: 162-67-86, 46-95-96, 46-75-62.

Озиш, семириш, ажин, қабзият, хуснбузлардан фориб  
бўлишига ёрдам берамиз. Телефон: 74-71-29.Касалликларни янги, юқори сифатли, кафолатланган,  
100 фоиз табиий (Франция) маҳсулотлар билан даволаш  
усулини таклиф этамиз.

- қандли диабет, бўкок;  
- ўйқусизлик, асад, камкуватлик, невроз;  
- арзаклар муммалари: простатит, жинсий охизлик, белупшлик, аденома;  
- аёллар муммалари, мастопатия, миома, киста;

- болаларни ўсишдан ортда қолиши,  
тез-тез касалликларга чалиниши;  
- жигар хасталиклари;  
- алергия, витилиго, псoriasis;  
- ошқозон ва 12 бармолки ичак яра-  
си, колит. Тел: 144-41-57

Туғилган кун, тўйлар учун буортмага торлартар пишираман, "Келин-куёв"  
шакли ясанини ўргатаман. Тел: 162-67-86

"Холдинг" компанияси раҳбарлик лавозимида ишлаш қоби-  
лияти бўлган, ташкилотчи кишиларни ишга таклиф этади.  
Тел: 144-41-57

## "HOLIS-UMID"

фирмаси замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади.

Компьютер саводхонлик курслари:

- > Windows2000, Microsoft Office2000, Excel2000, Word2000, NC, MS-DOS
- > Windows2000 стандарт программалари (мактаб ўқувчилари учун)
- > Акушерлик (амалиёти билан)
- > Ҳамширалик (амалиёти билан)
- > Сартошлик (амалиёти билан)
- > Бичиш-тиқиши (замонавий фасонлар)
- > Парда пакривал (замонавий Элита усулида)
- > Инглиз тили
- > Торт ва салат (оддий ва олий курси)
- > Аёллар костюм пальтоси
- > Тўқуучилик (амалиёти билан)
- Муофакатлини битигирланларга диплом берилади! Курслар 2 ва 3 ой давом этади.

Замонавий келинлар  
либослари  
Массажистка (амалиёти  
билан)

Эрқаклар костюм шими  
Косметолог (амалиёти  
билан)

## «Оила ва жамият» ўғитномаси

## ТЎРТЛИКЛАР

Сенга ён босай деса,

мени ўйлар,

Менга ён босай деса,

сени ўйлар.

Катталари ташвишда,

жанжаллашсак,

Аммо бешикдагиси

нени ўйлар. Фарғона

Чақалоқни сўйдилар қанду,  
асал, шакар деб,  
Кўкка ҳам кўттардилар,  
хатто шамсу-анвар деб.

Арзимаган жанжалдан  
ажралишид иккиси,  
Энди онаси койир,  
«етимча, дардисар» деб.

Орифжон УМАРЖОНОВ

Тел: 47-09-52

Үша куни Раҳима бўйнида ажойиб тилла тақиңок билан сирдош дугонаси Гулбаҳорни йўқлаб борди. Гулбаҳорнинг нигоҳи тилла тросяга тушди-ю, ҳавас билан унга тикилиб қолди.

- Бунақасини кўрмаган эдим. Эринг хойнаҳо мукофот олганга ўҳшайди?

- Э, мукофот қаёқда. Битта супурги олганиям пул йига олмаямиз. Согвага олдим десам, ишонасанми? Мана тақиб кўр. Сенгаям ярасади.

Гулбаҳор тилла тросяни бўйнига тақиб, ойнага қаради. Иккита олтин илон эшилиб, буралиб унинг бўйнига чирмашив олгандаи эди.

- Битта саҳиф инсон билан танишил қолдим. Мени ёқтириб қолибди, -сўзи.

- Ана холос! Бу ёғи сал ўҳшамабди. Эринг, иккита боланг бор, ўртоқжон...

- Шунақа дайсан-у, рўзгорни учмачи тебратиш ҳам жонга тегиб кетар экан. Эримдан ажрашмоқчиман.

Раҳима эридан ахрашиди. Ўғли эрида қолди. Қизчасини эса ўзи билан олиб кетди. У Анвар билан шоҳона безатилган тўрт хонали домда яшай бошлади.

Анвар улуржи тижкорат билан шуғулланарди. Раҳимадан хабар олгани келган дугонаси Гулбаҳорнинг шоҳона ўхётга ҳаваси келарди.

Тақдир экан иккласи ҳам кишлодан ўқишига келиб, шахарга турмушга чиқиши. Гулбаҳорнинг кўёви Салоҳиддин илмий иш қиласиги. Салоҳиддинни отаси ўғлиниг илим йўлидан кеташига хурсанд бўлганидан бор будуни сарфлаб, бир хонали уй олиб берди. Мана, уларнинг қизаси Наргизахон уч ўёга тўлди.

Кунларнинг бирда Раҳима Гулбаҳорга шундай маслаҳат солди:

- Ке, Анвар акам билан эрингни танишириб кўяйлик. Иккиси қалин бўлиб олишса, бирга тижкоратга боришиб, рўзгорни бутлаб оласизлар.

Салоҳиддин хотинининг қистови билан Анваржон билан дастурхон устидаги танишиди. Анваржон тилларанг "Мерседес"ида уларни уйларига элтиб кўйиб, хайрларди. Ана шу куни Анваржон Раҳимага шундай деди:

- Анави тросяни беринг. Буни сотиб, сармояси кўшиб оламан. Сизга пакети очилмаганидан олиб келиб бераман.

- Салоҳиддин акамнинг бирга олиб кетинг. Ёрдамимиз тегса хурсанд бўлаши.

- Уларни сармояси йўқда. Битта сармояси бор шерик топинг. Фермер синфдошим бор деяётгандингиз.

- Бор. Мен кишлока бориб, рози бўлса бошлаб келаман.

Анваржон уч-тўрт ийларига пойтахтга тижкоратга келиб, анча-мунча нарса-га эришга, Андижонга қайди. Аммо қариндош-ургуларидан пул қарз олиб, тижкоратни каттайтирмоқчи бўлганида, фирибгарларнинг кўлига тушиб, каттиқ синди. Унинг ҳозирги ҳолати шунақа эдики, машинасини-состса ҳам, ўйни сотса ҳам қарзни уза олмас эди. Раҳимага совга қилган тросяни ҳам машинани гаровга кўйиб, ижарага олганди. У энди найранг билан қарзларидан кутилиш йўлни қидираётганди. Ана шу мақсадда Раҳима билан танишиб, уни йўлдан урган эди.

Ҳеч нарсадан шубҳа кильмаган Раҳима кишлока йўл олди. Синфдоши Абдураҳим фермер бўлиб кишлока салгина танилиб қолган, соддароқ йигит

минг керак.

- Ўн мингда кучим етмайди,-жавоб қилиди Абдураҳим. - Балким қоқишириб, карз-қавола килиб, беш минг топарман.

- Бўлмаса мухлат бир ҳафта. Юк келса дарров қарзингизни ўрнига кўяимиз. Абдураҳим ўзи чамалагандек, зотли бўкаларини сотиб, фоизга карз олиб, зўрга беш минг доллар йигди. Пулни кўшкўллаб Анварга топшириди.

Берган қарзларини ундира олмай то-

кати ток бўлган Анваржоннинг қариндошлари уни судга беришиди. Анваржон эса Абдураҳимдан олган пулни қариндошларига бериб, судни вактича тўхтатди. Сўнг Раҳимага, мен Дубайга бориб қеламан деб, хайрлашиб Тошкентдаги эски ҳамкорлари ёнига кетди. Ҳудда ани шу куни ўнинг кўнингроғи жиринглаб қолди. Раҳима эшикни очган эди, остона олдида иккни тошиши киши турарди.

- Анваржон акамлар иш билан кетган эди, - деди Раҳима.

- Сиз унга ким бўласиз?

- Хотиниман,- деди Раҳима таваккалига.

- Олдин хотини бошқа эди-ку? Майли, унга айтиб кўйинг. Ўни бўшатишларинг керак.

Анвар жончидан олди. Синфи Аб-

дураҳим фермер бўлиб кишлока сал-

гина танилиб қолган, соддароқ йигит

эди. У Раҳимани кўриб хурсанд бўлиб кетди.

- Эрингни ишбилиармон дейишияпти. Қачон таниширисан у билан,-деди соддароқ билан.

- Қачон десанг танишираман. Унга ишончилик шерик керак.

- Мана шерик ўзимиз-да...

- Ундаи бўлса сени кутамиш.

Анваржон Абдураҳимни ниҳоятда очик чехра билан кутиб олди. Иккиси яримтани майдалаб, анча вақт сухбат куришиди. Анваржон шундай деди:

- Мен сизни қўллайман, сиз мени.

Сизга ҳам "Мерседес" оламиз. Дубайда катта юким бор. Биргалашиб ўшани олиб келиш учун кўкидан ўн

- Нега бўшатар эканмиз?-хайрон бўлди Раҳима.

- Негалигини ўзи билади. Ўн беш кундан кейин кўч-кўрон билан келамиз.

Бир пайт яна эшик кўнингроғи жиринглади. Бу гал эшик олдида қошлари зулукдек олтмиш ёшлардаги аёл турарди. У бирданига савол-сўрқоқ ўтди.

- Қанин Анвар?

- Иш билан кетганини,-деди Раҳима.

- Унга айтинг, ижарага олган нарса-

сини қайтарсин.

- Нимани ижарага олганиди?

- Бўйнингизга нимани тақиб кўйган бўлса ўшани. Жанон опам келди, десан-

гиз, ўзи тушунади.

Демак, тилла тросяни ижарага олган

калаф оласизлар.

Раҳима айтганда Салоҳиддин елиб-юғириб кредитни тўғрилади. Бу пул ҳам Анварнинг кўлига келиб тегди.

Анвар ўтирган ўйларини сотиб, пулинни аллақачон ишлатиб бўлганди. Ўйни сотиб олганлар яна ўн беш кунга охирги мухлатни беришиди. Анварнинг кўлига кредит пули келиб текан куни ана шу ўн беш кун тугади. Қолаверса, тилла трося учун ижара пули ҳам йигиби көлган эди. Анварнинг эса парвойи палак.

Анварнинг Абдураҳимга берган ватъдасига кўра худди бугун Дубайдан товар этиб келиши лозим эди. Абдураҳим яхши кайфиятда келиб, эшик ёнидаги кўнингроғ тумгасини босди. Анвар эшикни очган ҳам эдик, Абдураҳимнинг орқасидан яна киши келаётганига кўзи тушди. Улар ўйни сотиб олганлар ва тиляфуруш Жанон опа эдилар.

Бостириб киргандар кўлига кирган нарсанники, эшикни очганда ирғита бошлашиди.

Раҳима синфидаи Абдураҳимнинг олдида нима қилишини, нима дейишини билмай қолганди. Жанон опанини ҳам тоқати ток бўлиб, Анвар томонга хезланди.

- Ижара пулини узат! Неча марта келаман уйингга.

Анвар ўйни сотиб олганларни шаштидан тушириш учун уларнинг бирини кўлидан ушлаб ўзи томонга қаратмокчи бўлди. У ўгирилиб, Анварнинг жаги остига зарб билан мушт тушириди. Анвар гандирлаклаб остонаяга чалканча йикилди. Ўрнидан турмокчи бўлиб қаддини кўтартган эди, қайтадан оркага кулади. Ўнинг кулогидан қон сизиб оқа бошлади.

Жанжалдан оғоҳ бўлган кўшилар бирин-кетин чиқиб кела бошлашиди. Анварни тез ёрдам машинаси касалхонага олиб кетди.

Жанон опа тўхтамай жавар, ўйни сотиб олганлар газаб устига кўч-кўланларни йўлакка улоқтиришади. Абдураҳим нима бўлаётганига тушуниб-тушумай, ранги бўздай оқариб кетган синфидашнинг юзига хижолатомуз қараб турарди. Раҳима эса гўё иккита олтин илон бўйини сикиб тургандай нафас олишса кўйналар, пушаймон тўла нигоҳини бир нуктага маъносиз тикканича серрайиб қолганди.

Раҳима ўйиз, эрсиз кўчада қолганди. У қизасини кўлидан етаклаб шахар кўчаларида тентираб юра-юра қандай килиб олдинги эри яшаётган ўй олдига келганини билмай колади.

Дарвоза қирда очиқ эди. Раҳима ўйни четроқа олиб, ичкарига разм солди. Собиқ эри шланг билан ҳовлига сув сепаётганди. Нарироқда эса ўшига, кулачюз жувон сўридаги хонтахта устига дастурхон ёзарди. Раҳимнинг ичинидан калтироқ чиқа бошлади. Эри билан яшаган дамлар энг баҳтиёр дамлар эканлигини хис килди. Ҳа, оиласда тутув яшашнинг ўзи ёкинга тақтади. Раҳима шу топда ҳар қандай қўматбахо тақиңочи ана шу ахилликнинг бир даққасига арзимаслигини тушунди. Афуски, кечроқ тушунди.

Комилжон НИШОНОВ



## БАХТАЛИ БЎЛИШНИ ИСТАЙМАН

Ёшим 20 да. "Оила ва жамият" мен учун ёхтенинг паст-бандларини, фам-ғуссаларини, ташвишу аламларини, чукурроқ ўргатиб борадиган керакли газетадир. Газетанинг

ҳамма чиқкан сонларни олиб ўқишига ҳаракат киламан. Бирон сонини ололмай колсам бе-звотва бўлиб юраман.

Мени ачнадан бўйн бир савол кийнаб келади. Аммо буни

хали ҳеч кимга айтмаганман. Бу мактубни ёзишидан олдин анча ўйлаб юрдим, лекин барии ўзишига қарор килдим.

Зиёли ва обрўли оиладан чи-

кманан. 2 йил олдин мен опам билан уришиб қолдим. Бу катта

жанжалга сабаб бўлди. Ўйда

отамдан ташқари ҳеч ким йўқ

эди. Жанжалимиз отамини зе-

риклириб, асабаларига қатти-

тегди, шекилли, кутилмаган

вокеа рўй берди. Отам мени

қаттиқ урдилар. Щундан сўнг

уидагилар билан 2-3 ой гаплаш-

мадим. Кейин яна муносабати-

миз ўз жойига тушиб кетди.

Лекин бу вокеа юрагимнинг

бир четида утилимас кора до-

бўлиб қолди.

Халқимизда "Отаси урган ҳиз

бахтили бўлмас эмиш", деган гап

шоҳи. Шу гап эсимга тушса вужу-

димни титроқ босади. Бу рост

бўлса-чи?

Мана вояға ҳам етдим.

Үйимизга ҳар гал совчи

келганда ёки биронта юнгит мен

билан гаплашмоқчи бўлгандা

юрагими даҳшатли вахималар

босаверади.

Худога шукр, ойим бизга тур-

мушини паст-бандларилари,

ачиқ-чучук томонларига ҳақида

яхиши утириб, тарбиялаб кела-

яптилар. Мақтаниш эмас-у,

кулимдан бинойидеккина ти-

киши-бичиш ҳам келади.

Фақат, фақат юқоридаги ма-

## ДИЛ ИЗҲОРИ

салада мени жуда ҳам қийнаб ўборди.

Наҳотки энди мен баҳтили бўлолмасам? Ахир дун-

ёдаги ҳамма қизлар каби мен

ҳам баҳтили бўлишни жон диг-

лимдан хоҳлайман.

АЗИЗЛАР, бу борадаги масла-

хатларингизга мухтожман.

НИЛУФАР

Бухоро шахри

Газетхонларимиз ижодидан

## ХАЁТ – ТИРИКЛИК БАРИБИР ГЎЗАЛ



Қадрдоним “Оила ва жамият”! Ҳар бир саҳифангни қўзларимга суртиб ўқийман. Мен уч қиз, бир ўғини баҳтиёр она эдим. Дунёнинг уча-мунча ғамларини писанд қўлмайдиган, қўшиқ тинглаб завқланадиган, оҳангларга монанд раҳсларга тушадиган Ѹҳатесевар аёл эдим. Ўтган иили олийгоҳни битирсан арафасидан турган, эми жисмига ярашиди Алишер исмли ўғили автоҳалолкада қозо топиб, бизни мангу ҳижрона ташлаб кетди. Ёндим, куйдим. Уша қийин кунларда сенинг саҳифалариндан ўзимга мадад топдим. «Барин кўриб фикр қила, бирни кўриб шукр», деганиларида аста-секин тогдай оғир ҳиж-

ронга ҳам ўзимда тўзум топалпман.

Севимили газетамизда инсонни иродали бўлишига ўргатувчи мақолалар кўпроқ бе-  
рилшини илтимос қиласман. Токи одамлар бардошли бўлсинлар. Барибир ҳаёт-  
нинг, тирикликини гўзал эканини унтулмасилар, пошукур бўлмасилар.

## АИРИЛИК ШЕҶРИ

Сочларингни соғинидим, Алишер,  
Кўзларингни соғинидим, Алишер.  
“Онахон, яхшимисиз”, - деб айтган,  
Сўзларингни соғинидим, Алишер!

Хеч она “Болам” деб куймасин,  
Бағрини айрилиқ ўймасин.  
Ёнида ўтирасин дилбанди,  
Тушини телбадай сўймасин!

Алп болам, аллардан ўзорим,  
Юрагим дардин ёзорим...  
Сен мангу йўқлика кетдимги,  
Мангуни айрилиқ - озорим...

Оналар, севинглар оламни,  
Унугинг йигини, аламни.  
Севгили ёр каби сўйинглар,  
Тириклик - энг гўзал санамни!

## ТАБИАТ, ДІСТІМСАН!

Эй гўзал табиат, эй сирли дунё,  
Сен дўстларим ичра азиз дўстимсан.  
Тозара бошлайман ёнгига гўё,  
Кутила бошлайман каму қўстимдан.  
Сен зилол анхорсан, сен сарв оғоч,  
Сен митти гиёҳсан ва жаҳжи булбул.  
Сен тинчлик элчиси - баҳмал қадирчоғ,  
Сен корлар ичинда униб чиқсан гул.  
Аслида мен Сизнинг бўлганингизман,

Сиздан олис кетсан куриб, қақшайман,  
Кетсан ийлагингиз, юрагингизда,  
Ясама одамга ўхшайман.  
Кўлларимдан тутигин, азиз табиат,  
Юрагимдан ўттил, азиз табиат,  
Сенсиз ўзим тугул, ҳаёт ҳам гарип,  
Ҳаётимиз бут күл, азиз табиат.

Гулзира МАМЕДОВА  
Беруний тумани

## СЕН СЕВІЛАН ЙУЛАРНИ...



Сенинг қадамларинг кутиб,  
эшигим ортида,  
мен ўзга изларга,  
адаштириб юбордим.

Сенинг ёнишларинг кутиб,  
лов-лов ёнган ўтлар тафтида,  
мен кўзларимни хиссиз,  
камаштириб юбордим.

Сен севган гулларни изладим,  
баҳорлар бағридан,  
дилнимни тиконсиз гулларга,  
қўмиб кетдилар.

Сен севган дунёни изладим,  
бу чексиз кенгликлар қырдиан,  
орзулар, армонлар, умидлар ранги,  
нигоҳларим бўяб кетдилар.

Сен энди ўқотиб яшайсан,  
ўзинг киролмаган юрак калитин.

Уша сен топтаган гуллар меники,  
Уша сен юрмаган ўйлар меники.  
Севаман сенга ёт гунча атрини,  
Севаман сен билмас шоир сатрини.

Уша сен тиглаган юрак меники,  
Уша сен алдаган нигоҳ меники.  
Яшайман ярадор юрак билан ҳам,  
Яшайман энг олис тилак билан ҳам.

Яшайман дилимини ўртайди алам,  
Ахир ўқолди-ку сенданай онад!  
Севаман сен боғсан хаizonни чиндан...

Ойбуви ОЧИЛОВА

Навоий шахри

Дунё кетиб борар сенинг ортингдан -  
олиб кулгуларим,  
олиб орзуларим,  
сошиб қайгуларим.

Дунё кетиб борар сенинг ортингдан -  
богларни титратиб,  
хаizonлар саҷратиб,  
баҳорни қақшатиб.

Дунё кетиб борар сенинг ортингдан -  
гуноҳларим юваби,  
тилакларим кўмб,  
кўзларимни ўйиб.

Дунё кетиб борар сенинг ортингдан -  
неки бор сидириб,  
сенга оқ, йўл тилаб,  
менга пок йўл тилаб.

Дунё кетиб борар сенинг ортингдан -  
Тўлқинларни алдаган кемалар каби.

## БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Боши мухаррир ўринбосари: 133-04-35  
Котибият, хатлар: 34-25-46  
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаса акциядорлик компанияси босмаҳо  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йи.  
Босишига топшириш вакти - 20:35  
Босишига топширилди - 20:00

Газета таҳририят компютер базасидан терилид ва саҳифаланди.

## (Боши ўтган сонда)

Унинг дадаси мени “шай-  
тонча” дер эканлар. Ота-онам мени ёш-  
лигимдан “врач буласан”, - деб уқтири-  
шар, орзу килишарди. Андикон Тиби-  
ёт олийгоҳига жўнатишга ҳаракат бош-  
лаши. Синфдошлар билан яна кечга  
уюширидик, бу сафар ҳам кечга У.ники-  
да бўладиган бўлди. Синфдошлар ме-  
ниям мажбурлаб олиб кетиши. У. кеча-  
да менга ўқишида омад тилади, курсанд  
бўлди ва “Мавжуда, мен сени севаман  
ва ишонаман, канча ўқисанг ҳам кутав-  
раман”, - деди. Мен: “Йўк, мени кутма,  
онанг касал, сени уйланинг керак.  
Оннанга келин керак. Колаверса, мен ёҳ-

## О, МУҲАББАТ

ди. Шунда малҳами жоним  
ота-онам: “Кўзим, ўқсина, сен  
кетга врач бўлишинг керак”, - дедилар.  
Бу орада кекса бувим оламдан ўти-  
лар, дадам эса... ишдан кетдилар, энди  
эса Андиконда ўқишим учун шароити  
ночорлаша бошлади. Кунларни энди  
хушнуд эмас, изтироблар, кўз-шёлари  
билин ўтказа бошладим. Кўчага ҳам чи-  
қолмас, дугоналаримга ҳам кўшипол-  
мас, улар олдида хижолатда қолгандим.  
Доимо катта кетиб ўрганиб қолгандим.  
Мағрурлик ва манманлик, эркатойлик  
мени аброр қолганди.

Келгуси  
иили Фарғона

## ЎВИЛГАДАН

## ЎВГАНИЙ

қаҷон сени севмаганман, факат раҳим  
келганидан “севдим” деганман, мени  
кечир”, - дедим. Шунда у ўқириб йи-  
лаб юборди. Йигит кишининг эзилиб-  
ўқисиб йиглаганини ўшанда кўрдим. У.  
йигладиган йигитмасди, лекин мен  
уни...

Унга раҳим келиб “севдим” деб ёл-  
ғон севигига ишонтирганим учун изтироб  
чекиб пушаймон бўла бошладим. Андикон-  
жонга жўнаб кетдим. Андиконда репе-  
титор ёллаб ўқиб, яшай бошладим. У  
ерда дўстлар ортириб, кунларни хуш-  
нуд ўтказиб юриб, бу изтироблар унти-  
либ кетди. Қайтага тўғрисини айтиб  
яши қилдим деб ўладим.

Мактабга 2-3 ҳафтада келиб, синфдош-  
ларни кўриб, яна  
қайтиб кетардим.

Бекатда гоҳида ту-  
риб қолсан, у. узоқ-  
дан мен кузатиб

турганини кўриб ҳайрон қолардим. У  
сира кўнгил узолмасди. Андикондан уйга  
келганимни билис қолса, кўчамиздан  
кетмай қоларкан. Кунларим шу тахлит  
ўтавзиди. Уша пайтлари мени фақат  
ўшиш, баланд мартабалар қизиқтира-  
ди, холос. Гўёки осмонларда парвоз  
қилар эдим. Андикондан уйга келган кун-  
ним, кечки пайт дарвоза тақилаб қол-  
ди, мен бирор дугонамир деб чиқиб  
ҳайрон қолдим. У. дарвоза ортида турар-  
ди. У анча озиб кетган, кўзлариға фамигин,  
маҳзун киёфада эди. У. менга: “Мавжуда-  
га, айт гуноҳим нима, мени ташлаб кет-  
ма, ҳеч кимни сенга ўҳшатолмаянман,  
сенни унтолмайман”, - деди. Шунда мен  
уни яна алладим: “Андиконда мен бир  
гуруҳда ўқиётган қўқонлик йигитни ёқти-  
риб қолдим, мени тинч кўй, кет ўйнгга,  
бошқа гапирма”, - деб, юзига дарвоза-  
ни ёлиб қўйдим. У яна дарвозани очиб,  
секингина дона-дона қилиб: “Сен севгим-  
ни хот қилдинг, мени алдадинг, дўстлар-  
ни олдида бир пул қилдинг. Сени сев-  
гимнинг уволи тутишидан кўрқмайсан-  
ми? Юрагимдаги охирги умидни чирт-  
удинг, хайр”, - деди-ю, кетди. Орадан  
6-7 йил ўтди. Шу бўйи мен уни кайтиб  
кўрмадим.

“Қўқонлик йигит”... Ўшанда ўша гапим-  
га фаршишлар “омин” деб қўйган экан.  
Мен ҳақиқатдан ҳам “қўқонлик йигит”-  
ни учратдим ва уни қаттиқ севиб қол-  
дим. У.нинг қарғиши урди мени... Хул-  
лас, тиббийт олийгоҳи педиатрия бўли-  
мига, атига З баллгина етмай ўқиши  
қиролладим.

Андикондан Фарғонага кўзим тўла ёш,  
қалбимда бир олам алам ва изтироблар  
билин қайтдим. Бир йиллик тайёргарлик,  
кatta сарф-харажатлар бари бекор кет-

олийгоҳларидан бирига талаба бўлиш  
насиб этди. Мен билан қизиқдан, севги  
изҳор қилган йигитлар севгисини рад  
этib, факат ўқиши билан қизиқиб ўқий  
бошладим. Сўнгра мени сурширганлар,  
совчи қўймоқчи бўлғанларнинг ай-  
римлари, ота-онамнинг давлати билан  
қизиқаётганини сезиб қолдим. Демак,  
уларга бойлий керак экан, бу менга жуда  
ёмон таъсир килди, айниска онахоним-  
га. Лекин оиламиз бу пайтда анча но-  
чорлашиб қолганди. Ҳаммаси Ҳудонинг  
ёзғиу, лекин мен улардан нафртлана  
бошладим.

Аламимни ўқишидан олдим. Изтироб-  
ларни унтишига ҳаракат килиб, муваф-  
қиятни билан ўқиб, 4-курсга ҳам етиб  
келдим. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши  
мумкин экан. Инсон бошига не кунлар,  
не кулфатлар, не аламлар келишини  
билим экан. Билганида эди... Мен ҳам  
таҳсилмид тугай деганди, кимнидир кат-  
тиқ севиб қолишини тасаввур ҳам  
қилолмасди. Ҳаммаси 4-курсада — ба-  
ҳорда бошланди. Бу пайтга келиб, мен  
босиқ, оғир, вазмий, қийинчилк кўрган,  
ҳар ҳолда инсонни тушуна оладиган қиз  
эдим. Айтганимдек, кимнидир севиб  
қолишини ҳаётимга келтирмасдим, тўғри-  
си севишидан чўчир эдим, лекин “Асрар-  
қўйнлик йигит” экан.

Ҳа, ҳаётимга ўша ниятим кетиб қолган  
“қўқонлик йигит” — Б. кириб келганди!  
Б. Кўкон шахридан бўлиб, узоқ бир ви-  
лојатда бизни соҳамиз бўйича ўқир экан.  
Б. биздан бир курс юқориги гурухга  
ўқишини кўчириб келди. Ўша пайтлари  
мен уни қўйардими, ҳеч бир эътибор  
бермас эдим. Чунки Б. ҳам анча эрк-  
атой, димоғдор, магнур йигит эди.

(Давоми бор)

“Оила ва жамият” таҳририяти ҳалқимизнинг ҳассос, суюкли  
шоири

## МУҲАММАД ЮСУФНИНГ

бевақт ўлими муносабати билан унинг оила аъзоларига, яқин-  
ларига чуқур таъзия изҳор этиди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»  
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176  
ташиқотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида  
№ 33 ракам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 2726. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобок.  
Баҳоси эркин нарҳда.

Саҳифалорчи - Жаъфар ЖАББОРОВ.

Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.

Навбатчи - М. СОДИКОВ.